

ПЕДАГОГ КАСБИЙ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Расулова Нилуфар Фархадовна

Тошкент тиббиёт педиатрия институти
Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни

бошқариш кафедраси доценти

Исомова Диёра Мираскадовна

Олмазор тумани 102 ўрта мактаб 10 синф ўқувчиси

Аннотация. Бугунги тезкор тараққиёт даврида замонавий педагогик ва психология таълим технологияларидан фойдаланиш ва таълим самарадорлигини ошириш таълим тизими ходимларининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан олий тиббий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга замонавий таълим технологиялари асосида мукамал билим бериш, уларни шу асосда ўз мутахассисликларига ёндашишга ўргатиш бугунги куннинг асосий талабидир. Амалиётда таълим технологияларидан ўринли, маҳорат билан фойдаланиш, ўқув жараёнида ўзлаштиришнинг юқори кўрсаткичларига эришиш имконини яратади.

Калит сўзлар. Замонавий, технология, таълим, психология, талаба, жамоа.

Ҳозирги кунда, бутун дунёда глобаллашув жараёнининг тобора чуқурлашиб кетаётганлиги ҳар бир шахснинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий салоҳиятга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Зеро, барча давлатларда ўзига хос тарзда амалга оширилаётган таълим ислохотлари жараёнида ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг ҳам касбий, ҳам шахсий фаолияти билан боғлиқ масалаларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ўқитувчи фаолиятининг индивидуал, ижтимоийпсихологик компонентларини тўғри белгилай олиш ҳамда бу жараённи ўқитувчи ва унинг касбий фаолияти самарадорлигини таъминловчи омил сифатида ўрганишга бўлган илмий ва ижтимоий зарурат тобора ортиб бормоқда. Шу боис, бугунги кунда ҳар бир

Ўқитувчи фаолиятининг ижтимоий-психологик самарадорлиги энг аввало унинг педагогик маҳорати, мулоқатмандлиги, шахсий ва ақлий салоҳият имкониятлари кўламининг нечоғлик намоён этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу маънода мазкур муаммони ҳар томонлама тадқиқ этиш эса ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Айни пайтда ўқитувчи касбий фаолиятида ижтимоий салоҳиятнинг устуворлиги, фаолият самарадорлигини ошириб, унга таъсир қилувчи Ижтимоий салоҳият омилларини шакллантиради ҳамда узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни педагогик-психологик компетентлигини юқори даражада такомиллаштиришни таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, кўпгина таълим муассасаларида таълим самарадорлигининг етарли даражада таъминланмаслиги айнан ижтимоий салоҳият омилларининг юқори даражада шаклланмаганлигига боғлиқ эканлиги яққол сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан «... олий ўқув юртлари раҳбар ва педагог кадрларни касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашни такомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Фармон бу ишларнинг янги сифат босқичига кўтариш» масаласига алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. [2] Маълумки, ўқитувчи фаолиятида ижтимоий салоҳиятнинг роли ва аҳамиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этувчи, ижтимоий салоҳият омилларини илмий жиҳатдан тўғри танлаш, тушуниш ва тадқиқ қилиш жараёни ўқитувчи ва унинг касбий фаолияти тараққиётидаги ижтимоийпсихологик уйғунликни таъминлаш учун зарур бўлган илмий-амалий тадбирлар кўламини ишлаб чиқиш имконини беради. Тегишли илмий адабиётлар таҳлили ва ўз кузатишларимизга асосланган илмий-тадқиқий мулоҳазалар бугунги кунда талимининг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчиларда Ижтимоий салоҳият жараёнини ўрганишни ва 56 тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун эса, даставвал, ижтимоий салоҳият омиллари ва мезонлари кўламини белгилаш ва уларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш учун тегишли усулларини ёки услубларини танлаш ва ишлаб чиқишга тўғри

келади. Ижтимоий салоҳият ҳар бир шахсдаги фаолият жараёнида содир бўлувчи хулқ-атвор белгилари мувофиқлаштириладиган ва бир-бирига яқинлаштириб «тенглаштириладиган» жараёнларининг кечиши билан бевосита боғлиқ. Бу муаммо Г.М. Андреева тадқиқотларида шахс характеридаги мотивацияларнинг шаклланиши ва амалга оширилиши, шунингдек, ўзаро ҳамкорликка интилиши нуқтаи назаридан асослаб берилади. Бунда асосан, қуйидаги икки жиҳат асосида таркиб топувчи шахс хусусиятларининг қарор топтирилиши ижтимоий салоҳият воситаси сифатида тадқиқ қилинади ва асослаб берилади. Чунончи, ижтимоий салоҳият ривожланишининг биринчи омили, шахснинг инсонлар билан ўзаро муносабатга қобилиятлилиги, юқори даражада мулоқотмандлиги билан боғланса, иккинчидан, суҳбатдошнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига нисбатан сезувчанлик қобилияти ва турли хил вазиятларга мослашувчанлик қобилиятлардан иборат эканлиги қайд этилади. Шунинг учун Г.М. Андреева ижтимоий салоҳиятни «одамларнинг кайфиятига, ҳиссиётига тўғри баҳо бериш қобилияти» деб атайти ва бу тушунчани маълум эмпирик далилларга таяниб асослаб беради [3]. Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий салоҳият жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилиш уни ҳар жиҳатдан такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий салоҳият жараёни берган натижалар билан ҳисоблашмай туриб, уни кенг миқёсда қўллаш мумкин ҳам эмас. Шундан келиб чиқиб, тегишли илмий адабиётларга асосланган ҳолда ижтимоий салоҳият самарадорлигини белгиловчи мезонлар устида ўйлаш, фикрлаш ва илмий изланишлар олиб боришни лозим топган эдик. Албатта, ижтимоий салоҳият самарадорлигини изоҳловчи мезонлар тизими психология тармоқлари каби жуда кўп ва хилма-хил бўлиши табиий. Масалан, шартли равишда қабул қиладиган бўлсак: ижтимоий салоҳият самарадорлигини ижтимоийпсихологик мезонлар, педагогик-психологик мезонлар, юридик- психологик мезонлар ва ҳоказоларга ажратиш мумкин. Демак, педагогларда ижтимоий салоҳиятни

ривожлантириш учун, уларда шахслараро муносабатларга киришувчанлик, перцептив қобилият ва копинг – стратегияларни шакллантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анастаси А. Психологическое тестирование в 2-х книгах. - М.: Педагогика, 2022.
2. Андреева Г.М. Методы исследования межличностного восприятия. М.: Изд-во МГУ, 2014.
3. Самохвалова В. И. Культурология: Краткий курс лекций. - Москва, 2022.
4. Федоров А. А. Введение в теорию и историю культур: Словар. Москва 2015.
5. Долгова Т.В. Смешанное обучение – инновация XXI века. – 2017. – 5: Интерактивное образование. С. 2-8.
6. Майкл Х., Хизер С. Смешанное обучение. Использование прорывных инноваций для улучшения школьного образования. Jossey-Bass. A Wiley Brand. 2015. 343 с.
7. Нагаева И.А. Смешанное обучение в современном образовательном процессе: необходимость и возможности [Текст] / И.А. Нагаева// Отечественная и зарубежная педагогика. – 2016. – № 6. – С. 56–67.